

Баъзи мусулмонларнинг ишлари ажойиб!

06:15 / 25.06.2017 3350

Баъзи мусулмонларнинг ишлари ажойиб!

Ушбу улуғ кунлардаги ибодатларида Роббиларидан: "Эй Раббим, Сен афв қилувчисан ва афв қилишни яхши кўрасан. Мени афв эт", деб дуо қиладилар да, аммо ўзлари одамларни, яқинларини, қариндошларини ва биродарларини афв қилиб, кечиришмайди. Ахир у киши Аллоҳдан афв қилишини талаб этиб, бандаларни кечирмасликдан уялмайдими?

Эй Аллоҳнинг бандалари! Кечиримли бўлинглар, шояд Аллоҳ ҳам сизларни кечирса!

Аллоҳ таоло бу ҳақда: **"Бас, авф этсинлар, ўтиб юборсинлар. Аллоҳ сизларни мағфират қилишини хуш кўрмайсизларми?!"** (Нур сураси, 22 оят), деб айтган.